

Ислом тинчлик динидир. Ислом туфайли, Қуръон туфайли инсоннинг кўнгли тинч бўлади, ўзи тинч бўлади, оиласи, қишлоғи, шаҳри, жамияти, давлати ва бутун дунё тинч бўлади. Мусулмон инсоннинг ҳаёти тинч бўлади. У ўзи яшаётган борлиқ билан тинч алоқада бўлади. Атроф-муҳит тинч бўлади. Умуман, шомил ва комил тинчлик бўлади. Фақат мусулмон бўлган, Аллоҳ таолонинг розилигини истаган бандаларгина У Зот томонидан тинчликнинг барча йўллариغا ҳидоят қилинадилар. Шунинг учун ҳам ер юзида ҳақиқий тинчлик ўрнатилиши учун бутун инсоният мусулмон бўлиши шарт.

«...уларни Ўз изни ила зулматлардан нурга чиқарур».

Ушбу жумладаги «зулматлар» сўзига алоҳида эътибор бериш керак. Зулматлар кўпликда, нур эса бирликда келмоқда. «Нур»дан мурад Исломдир. Яъни, кимки Қуръонга иймон келтирса, Исломга кирса, қоронғилиқдан нурга чиққан бўлади. Нурга соҳиб бўлганлар эса адашмайдилар. Чунки Аллоҳнинг Ўзи уларни зулматдан нурга чиқаради:

«...ҳамда сироти мустақимга ҳидоят қилур».

Тўғри йўлга бошлайди. Бинобарин, аҳли китоблар ҳам ўзларининг бузуқ ақийда ва шариатларини қўйиб, Аллоҳ уларга юборган Пайғамбарга – Муҳаммад алайҳиссаломга, Қуръонга иймон келтиришлари ва Исломга амал қилиб, куфр ва жоҳилият зулматларидан иймон нурига чиқишлари лозим. Сироти мустақим шудир. Бошқаси куфрдир. Жумладан:

وَأَمَّا مَرْيَمُ ابْنَةُ الْمَرْيَمِ فَأَنَّ الْمَسِيحَ يَهْلِكُ أَنْ أَرَادَاتِ شَيْئًا اللَّهُ مِنْ يَمَلِكُ فَمَنْ قُلِّ مَرْيَمَ ابْنَةُ الْمَسِيحِ هُوَ اللَّهُ إِنَّ قَالُوا الَّذِينَ كَفَرُوا لَقَدْ

﴿١٧﴾ فَلَيْسَ شَيْءٌ كُلُّ عَلَى وَاللَّهُ يَشَاءُ مَا يَخْلُقُ بَيْنَهُمَا وَمَا وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ مُلْكٌ وَاللَّهُ جَمِيعًا الْأَرْضِ فِي وَمَنْ

«Аллоҳ - бу Масих ибн Марямдир», деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Уларга: «Агар Аллоҳ Масих ибн Марямни, унинг онасини ва ер юзидаги барча кишиларни ҳалок этишни ирода қилса, ким У Зотдан бирор нарсага молик бўла олур? Ҳолбуки, осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. У нимани хоҳласа, яратадир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир», - деб айт!» (Моида сураси 17-оят).

Насоролар Аллоҳга берган аҳдларида вафо қилмаган энг бош масала – Аллоҳнинг тавҳидини қўйиб, ширкка бурилишлари эди. Уларнинг залолатга кетишларининг асосий масаласи шу бўлган.

«Аллоҳ - бу Масиҳ ибн Марямдир», деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар».

Аслида Ийсо алайҳиссалом пайғамбар бўлиб, тавҳидни, якка илоҳликни олиб келган эдилар. У кишига иймон келтириб, эргашганлар ҳам худди шу ақийдада эдилар. Аммо вақт ўтиши билан бошқа қавмларнинг, хусусан, бутпарастлик динидагиларнинг насронийлар динига кириши туфайли бу соф ақийдага футур ета бошлади. Аста-секин бошланган ихтилофлар кейинчалик авж олиб кетди. Баъзилари Ийсо - Масиҳ алайҳиссаломни Аллоҳнинг пайғамбари, дейишса, бошқалари: «У Расул бўлса ҳам, Аллоҳга алоҳида яқинлиги бор», - дейишди. Учинчилари эса: «У Аллоҳнинг ўғлидир», - деб даъво қилишди. Яна бошқалари: «У Аллоҳнинг ўғли бўлса ҳам, махлуқ эмас, қадимдан бор», - дейишарди. Бунга ўхшаган ихтилофлар жуда ҳам кўпайган пайтда 325 милодий санада ихтилофларга чек қўйиш мақсадида қирқ саккиз минг нафар диний билимдонлар иштирокида «Никия кенгаши» номли йиғилиш бўлиб ўтди. Бу кенгашда ҳам хилофлар авж олди. Охири бутпарастлик динидан насроний динига ўтган Рум императори Константин, ўзи насроний динидан беҳабар бўлса ҳам «Масиҳ ибн Марям худодир» деган гапни маҳкам тутди ва бошқа фикрдагиларни қувғин қилишга тушди. Шундай қилиб, бутпарастлик ақийдаси насронийликка ўтди. Сўнгра яна бошқа ихтилофлар кучайди. Масиҳий динининг бузилишида вақти-вақти билан чақириб туриладиган «Муқаддас кенгашлар» катта вазифани бажарди. Кўнгиллари тусаганда бундай кенгашларни ўтказиб, ўзларига мос қарорларни чиқариб, мана шу дин, деб юраверадиган бўлишди. Шу билан бирга, бу қарорларга, хусусан, Масиҳ ибн Марямни «худо» деб эътиқод қилиш ҳақида чиққан қарорга норозилар ҳам бўлган. Ийсо алайҳиссалом худо эмас, худонинг пайғамбари деувчи насоролар ҳозирги пайтда айниқса, кўпайиб бормоқда. Энг қизиғи - улар Ийсо тўғрисидаги ақийданинг энг тўғриси Қуръонда эканини ҳам англаб етмоқдалар. Қуръони Карим эса бу масалани оддий мантиқни ишга солиб, муолажа қилган. Аллоҳ Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб:

«Уларга: «Агар Аллоҳ Масиҳ ибн Марямни, унинг онасини ва ер юзидаги барча кишиларни ҳалок этишни ирода қилса, ким У Зотдан бирор нарсага молик бўла олур?..» - деб айт», - демоқда.

Жавоб, албатта, аниқ: ҳеч ким! Ҳеч ким, ҳеч қандай зот Аллоҳнинг иродасига қарши чиқа олмайди. Аллоҳ таоло нимани хоҳласа, шуни қилади.

«Ҳолбуки, осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг подшоҳлиги Аллоҳникидир».

Унинг Ўзи ягона Молик, ягона Холиқ, ягона Шоҳ. Шу жумладан, Масиҳ ибн Марям ва унинг онасига ҳам Молик, Холиқ ва Шоҳдир. Аллоҳ таолонинг иродасига ҳеч ким монеъ бўла олмайди.

«У нимани хоҳласа, яратадир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир».

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди